

АТОҚЛИ АДИБ ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД ҲИКОЯЛАРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ХУРШИД ДАВРОН ҚАРАШЛАРИ АСОСИДА)

Феруза ҚУРБОНОВА

**“ТИҚХММИ” МТУнинг Қарши ирригация ва
агротехнологиялар институти катта ўқитувчиси**
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7794521>

Хуршид Дўстмуҳаммад Ўзбекистонимизнинг иқтидорли ҳикоянавис ёзувчиларидан бири ҳисобланади. У ҳикоя жанрида ўз мактабини яратган сўз санъаткоридир. Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон таъбири билан айтганда, *“Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Беозор қуш” номли китобига жамланган ҳикоялар, адибнинг ўзи бир суҳбатида таъкидлаганидек, яхшилик ва ёмонлик, меҳр-оқибат ва разолат, инсонийлик ва ғайриодамийлик орасида курашиб, гоҳ мағлуб, гоҳ ғолиб бўлаётган одамлар тақдири ҳамда бир қисм одамлар яхшилик қилаётган, яратаётган, яна бир қисм одамлар бузаётган, вайрон қилаётган дунё ҳақида ҳикоя қилади. Мухтасар айтсам, бу китобдаги асосий ҳикоялар оддий одамнинг мураккаб ҳаёти, оддий воқеаларда инсон тақдирини ҳал қиладиган таъсирлар яширингани, гувиллаб оқаётган дарё юзасида қалқиб-қалқиб оқаётган гуллар ва хазонларнинг бир пайтлар оламга атир сочгани, кунни кечагина яшилланиб баҳор ёмғирларида чўмилгани ҳақидаги хотираларни бизга нақл этади”*.¹ Гап шундаки, ўзига хос услубга эга ҳикоялар ўқувчини ўзига беихтиёр жалб этади.

Ёзувчининг *“Ҳовли этагидаги уй”, “Паноҳ”, “Оромкурси”, “Сўроқ”, “Соф ўзбекча қотиллик”, “Маҳзуна”, “Ибн Муғанний”, “Ёлғизим – Сиз”, “Кўз қорачиғидаги уй”, “Жажман”, “Ҳижроним мингдир менинг” қисса ва ҳикоялар тўпламлари китобхонлар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинган*.² Том маънодаги Дўстмуҳаммадшунос Хуршид Давроннинг ёзишича, *“Хуршид Дўстмуҳаммад бағри хотираларга тўла адиб. Бу хотиралар ота-боболар ҳикояларидан, болаликда кечган воқеалардан қолган. Бу хотиралар бугуннинг талаби ва таъсири билан уйғонади ва адиб юрагини безовта қилади...*

Адибнинг олис тарихга бағишланган “Оқ либос”, “Қазо бўлган намоз”, “Тўхтабойнинг бойликлари” каби ҳикоялари нечоғли аламли кунлардан ҳикоя қилмасин, китобхонга энг аввало бугун учун керакли куч ва фикр бағишлайди”.³ Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларида ўзига хос хусусиятлар ва услуб бошқа адибларда учрамайди. Унинг ҳикояларида ёзувчининг бутун борлиғи, қобилияти, самимияти, қарашлари намоён бўлади. Бинобарин, *“Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларининг – бошқа ўзбек адиблари ижодида жуда кам учрайдиган – яна бир фазилати уларнинг аксариятида ўзбек ва жаҳон шеърляти оҳанглариининг намоён бўлишида деб биламиз. Бу айниқса, “Оқимга қарши оққан гул”, “Қоялардан баландда”, “Қор одам” каби ҳикояларда ёрқин намоён бўлади. Бу эса Акутагаванинг “Ҳақиқий адиб шоир бўлиши керак” деган гапини ёдимга солади. Акутагаванинг фикрини давом эттирсам, ҳақиқий, теран проза ҳамма вақт ва фақат*

¹ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-davron-xurshid-dostmuhammad-al-arof.html>

² <https://qomus.info/encyclopedia/cat-x/xurshid-dostmuhammad-uz/>

³ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-davron-xurshid-dostmuhammad-al-arof.html>

поэтик асосга асос бўлади. Зеро, поэзия, менинг назаримда, ҳар қандай сўз санъатининг заминидир...

Ёзувчи айрим ҳикояларида воқеа ёки қаҳрамонни ҳақида ҳамма гапни “чайнаб” бермайди, “қиссадан ҳисса” чиқармайди, китобхонга ҳам иш қолдирмайди”.⁴ Китобхон ҳикоя устида ишлаб, бош қотиради. Ҳикоя қаҳрамонлари билан мулоқотга киришади.

Хуршид Даврон фикрига қараганда, адибнинг “Отамнинг ошнаси” ҳикояси ёзувчининг оригинал услубини акс эттирган: “Ҳеч гап йўқдай туюладиган ҳикояларнинг бири – “Отамнинг ошнаси”. Замон воқеаларидан узилмаган, уни зийрак кузатиб юрган ўқувчи айтилмаган бор гапни тушунади, ҳикоя давомида юрагида аста-секин қўзғалган дард уни мутолаадан кейин ҳам анча вақтгача қуйиб юбормайди. Айни шу тарздаги асарларида ёзувчи эзгулик ва ёвузлик ҳар қандай шароитда ёнма-ён мавжудлигини кўрсатади, бу тушунчаларни бир нуқтада жамлай олади ва бунинг оқибатида воқеалар ёки ҳолатларнинг суратан сокин, сийратан шиддатли кечишини кўзимиз билан эмас, ботиний нигоҳимиз билан кўришга мажбур қилади. Бу Хуршид Дўстмуҳаммаднинг адиб сифатида катта тажриба ва маҳоратга эга эканлигини намён этади”.⁵ Адибнинг “Нигоҳ” номли биринчи қиссаси, “Бозор” романи, “Ҳижроним мингдир менинг” ва “Озод изтироб қувончлари” асарлари, “Жимжитхонага йўл”, “Нусхакашнинг меросхўри”, “Беозор қушнинг қарғиши” ва “Жим ўтирган одам” ҳикоялар тўпламлари⁶ ҳақида ҳам ана шундай фикр-мулоҳазаларни билдиришимиз мумкин.

Ёзувчи ижодида ўз ўрнига эга бўлган асарлардан бири – “Жажман” дир. Хуршид Давроннинг ёзишича, “Мени мафтун қилган биринчи асар “Жажман” эди. Айни шу битик китобхонга ўзбек адабиётига ўзи хос овозга, ўз мустақил дунёқарашига эга адиб пайдо бўлганини тўла-тўла англатган эди. Ҳикоя ёзилганидан буён 22 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, йил ўтгани сайин бу ҳикоядан кўзланган мақсаднинг янги-янги қирралари очилиб бораётганини кўраман.

Менинг назаримда, “Жажман” жаннатдан қувилган Одам Ато қавмининг тарихи ҳақидаги ҳикоядир...

Ичингдаги махлуқни ўлдирмай туриб, унинг ташқаридаги сояларини – жаҳолат ва ёвузликни маҳв этиб бўлмаслиги ҳақида бу ҳикоя”.⁷

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳикоянавис ижодкор Хуршид Дўстмуҳаммад ўзбек адабиётининг ардоқли адиблари қаторидан мустаҳкам жой олган. Ҳар қанча ўрганса, таҳлил қилса арзигулик маънавий обидалар яратди ва яратмоқда. Бу кўркем ижодни баҳолаш тадқиқотчиларнинг вазифаси. Афсуски, ҳозирга қадар ҳеч ким бу ишга жиддий киришган эмас.⁸

Хулоса қилиб айтганда, “Янгиланаётган ўзбек адабиётидаги асарлар, Хуршид Дўстмуҳаммад каби бадиий ижодга, ҳаёт ҳақиқатига “ўзгачароқ ёндашиш” йўлидан матонат билан бораётган адибларимизнинг ижоди бунга яққол исботлаб турибди”.⁹ Бинобарин, унинг ҳикояларини тадқиқ этиш, таҳлил қилиш ва ўрганиш услубининг

⁴ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-davron-xurshid-dostmuhammad-al-arof.html>

⁵ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-davron-xurshid-dostmuhammad-al-arof.html>

⁶ <https://arboblar.uz/uzkr/people/khurshid-dustmukhammad>

⁷ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-davron-xurshid-dostmuhammad-al-arof.html>

⁸ <https://perepost.uz/uz/news/45360>

⁹ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-davron-xurshid-dostmuhammad-al-arof.html>

Ўзига хос хусусиятларини “кашф этиш” имконини беради. Зеро, Хуршид Даврон ёзганидек, *“Сўнгги йилларда пайдо бўлган кўплаб эътиборга тушган асарлар, ўзбек адабиётида ҳам ёзувчилик матонати ва масъулиятини англаган адиблар мавжуддир, деган гапга асос бўла олади. Бу адиблар, менинг назаримда, Абдулла Қодирий ва Чўлпон жасоратининг давомчилари бўлиб кўзга ташланмоқда. Мана шундай ижодкорларнинг бири Хуршид Дўстмуҳаммад десак хато қилмаймиз.*

Хуршид Дўстмуҳаммад миллий адабий анъаналарни ҳам, дунё адабиёти тажрибаларини ҳам пухта ўзлаштирган, доимий изланиш, сўз ва фикр қолипини янгилашга интилган ижодкор”.¹⁰

References:

- 1.<https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-davron-xurshid-dostmuhammad-al-arof.html>
- 2.<https://qomus.info/encyclopedia/cat-x/xurshid-dostmuhammad-uz/>
- 3.<https://arboblar.uz/uzkr/people/khurshid-dustmukhammad>
- 4.<https://uzhurriyat.uz/2021/01/06/uzligiga-qarshi-bormagan-shaxs/>
- 5.<https://perepost.uz/uz/news/45360>
- 6.Мўминова Т. Хуршид Дўстмуҳаммад ижодий индивидуаллигининг бир қирраси ҳақида// “Филологиянинг долзарб масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари. Фарғона. ФарДУ, 2022.-Б.151-152.
- 7.Асадов М. Альбер Камю ва Хуршид Дўстмуҳаммад прозасида абсурд қаҳрамон муаммоси/ “Сўз санъати сўзлиги”, 3 жилд, 2-сон. Тошкент. 2020йил.-Б.117-126.
- 8.<https://khurshid-dostmuhammad-asarlari.kitoblari.com>
- 9.<https://uza.uz/posts/hurshid-dostmuhammad>

¹⁰ <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/xurshid-davron-xurshid-dostmuhammad-al-arof.html>